

## ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭВРИСТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

Рустам Хуррамов

Термиз давлат университети “Бошланғич таълим” кафедраси,

стажёр-тадқиқотчиси, Термиз, Ўзбекистон

[rustamkhurramov@mail.ru](mailto:rustamkhurramov@mail.ru)

### Аннотация

Ушбу тезисда бошланғич синф ўқувчиларига янги замонавий педагогик технология ва дидактик ўйинлардан фойдаланган ҳолда компетенциявий билим бериш ҳақида фикр юритилади. Шунингдек мақола бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг эвристик қобилиятларини янада ривожлантириш борасида юртимизда олиб борилаётган янгиликлар ҳамда мазкур масаланинг ечимига қаратилган, таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир нечта таклифлар асосида тайёрланган. Мақолада самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлиши бўйича аниқ ечимлар ҳам берилган.

**Калит сўзлар:** инновация, нутқ, пауза, технология, интонация, жанр, бадий асар, таҳлил қилиш, дидактик ўйин.

### Abstract

This thesis discusses the provision of competence knowledge to elementary school students using new modern pedagogical technology and didactic games. Also, the article was prepared on the basis of the innovations in our country regarding the further development of students' heuristic abilities in primary-grade mother tongue classes, as well as several proposals aimed at solving this problem and increasing the effectiveness of the educational process. The article also provides specific solutions to increase the quality indicators of efficiency.

**Key words:** innovation, speech, pause, technology, intonation, genre, artistic work, analysis, didactic game.

**Кириш.** Бола ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш техникасини илк бор бошланғич синфда эгаллайди. У тўрт ўқув йили мобайнида ҳозирги замон фани, ишлаб чиқариш технологиясининг умумий асосларини ўзлаштиради ва фикрлашни ўрганади. Болалар бошланғич синфларда ўқитилиш орқали таълим жараёнида фаол иштирок этиш йўллари, воситаларини эгаллайди. Улар мустақил фикрлаш, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаш сирларидан воқиф бўлади, 5-9-синфларда она тили ўқув предметининг тўлиқ курсини

ўзлаштиришга тайёргарлик кўришади. Булар бошланғич таълимнинг ўта мураккаб эканлиги билан изоҳланади.

Бошланғич таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил, шу билан бирга, ўта мураккаб таркибий қисмидир. Аввало, бошланғич таълим узлуксиз таълимнинг дастлабки бўғинидир. У ўзига яраша дастур, дарслик, ўқув қўлланмаларига эга. Бошланғич синфларда алоҳида тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ишлайди. Бошланғич таълим муаммоларини таҳлил ва тадқиқ ишлари билан мутахассис олимлар шуғулланади. Шунингдек, бошланғич таълим маълум ўқув йилларидан ташкил топади. Булар бошланғич таълимнинг мустақил бўғин эканлигидан далолат беради. +олаверса, бошланғич таълим узлуксиз таълим тизимининг мураккаб бўғини ҳисобланади.

Дидакт ва методистлар таълим жараёнининг самарадорлиги деб ўқув-тарбия жараёнида қўйилган мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги фарқни изоҳлайдилар. Таълим жараёнида қўйилган мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги тафовут қанча кам бўлса, таълим шунча самарадор саналади. Самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари билим ва фаолият усулларини эгаллашга кўра аниқланади. Миқдор кўрсаткичлари эса таълим мақсади ва ўқувчилар эришган билим, кўникма, малакалар орасидаги фарққа кўра аниқланади. Самарадорликни ошириш қуйидаги йўналишлар бўйича синовдан ўтказилади: таълим сифати (ўқувчилар билимининг кўлами, умумлаштиришлар даражаси, билимларни ишлаб чиқаришга татбиқ эта олиш, билим ва малакалардан зарурат туғилганда фойдалана билиш)ни яхшилаш; таълим натижасининг қўйилган мақсад (билим, малака, ижодий фаолият тажрибасини Давлат таълим стандартлари даражасида ва ундан юқори даражада ўзлаштириш)га яқинлаштириш; таълим воситаларининг таълим-тарбия жараёни моҳиятига мослигини таъминлаш; вақт бюджетини оқилона тақсимлаш[2]. Қайд қилинган йўналишлар педагогик тажриба мақсадини аниқлашни маълум даражада осонлаштиради: ижодий таълимни илмий асосланган лойиҳалаштириш воситалари негизида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишнинг самарадорлик даражасини дидактик жиҳатдан белгилаш педагогик тажрибанинг мақсади ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Тилнинг фонетик жиҳатини ўзлаштириш ўқувчилар тафаккурини ўстириш билан алоқадорликда ташкил этиш учун ҳар бир нутқ товуши сўз таркибида ўргатилади. Нутқ товушларини сўз таркибида ўргатиш талаби она тили таълимини ижодий ташкил этиш имкониятини ҳам оширади. Масалан, шундай топшириқ берилган бўлсин: ҳар иккала бўғинида “и” ҳарфи ёзиладиган тўртта сўз топиб ёзинг. Бундай ижодий ишлар болаларда изланиш лаёқатларини тарбиялайди, имло саводхонлигини оширади, болалар талаффузини тартибга туширади. Топшириқни бажаришда бола дарсликдан ўз тезаурусидан сўзлар излайди. Бу ўқувчи фаолиятида изланиш лаёқатини ўстиради, бола нутқида сўзларнинг фаоллашувига сабаб бўлади.

Нутқ товушини сўз таркибида ўргатиш болаларнинг фонематик эшитишини тараққий эттириш билан бирга жуда кўп сўзларнинг маъноларини тушунишларини ҳам таъминлайди. Шу туфайли нутқ товушларининг сўз маъноларини ажратишга оид жиҳатларини таҳлил қилишга оид билув топшириқларидан фойдаланиш эҳтиёжи туғилади. Ҳақиқатан ҳам, хуш (яхши) ва ҳуш (ақл, ҳуш), ҳол (юздаги қора нуқта) ва ҳол (аҳвол), хурма (идиш) ва хурма (итнинг вовуллаши), шох (дарахт шохи, сигир шохи) ва шох (подшох), хатлаб (хатга олинган, ёзиб олинган) ва ҳатлаб (сакраш), ҳам (букилган) ва ҳам (боғловчи) каби жуда кўп сўзларнинг маъноларини чоғиштириш йўли билан аниқлаш мумкин. “Х” ва “Ҳ” ҳарфли сўзларнинг юқоридаги хусусиятлари асосида таққослашга оид қуйидагича топшириқдан фойдаланилади.

Топшириқ. Икки устунда “х” ва “ҳ” ҳарфидан бошлаб ёзилган сўзлар берилган. Уларни ўзаро таққослаб, ҳар бир сўзнинг маъносини тушунтиришга тайёрланинг.

1-устун	2-устун
хуш	ҳуш
ҳол	ҳол
хурма	хурма
шох	шох
хатлаб	ҳатлаб
ҳам	ҳам

Тилимизда бир унли товушга (бор, бер, бар, бур, бўр, бир), шунингдек, бир ундош товушга кўра (ғўр, тўр, зўр, кўр, кўр, тўр) маънолари фарқ қиладиган сўзлар кўп топилади. Нутқ товушларининг шу хусусиятларини инобатга олиб, билув топшириқлари тузиб, таълимга татбиқ этса, ўқитишнинг самарадорлиги юқори бўлади[4].

Топшириқ. Ўн иккита сўз берилган. Ўйланг-чи, шу сўзларни қандай қилиб олтиладан икки гуруҳга ажратиб ёзса бўлади?

ғўр, бор, бер, бар, жўр, зўр, кўр, бур, бир, тўр, бўр.

Келтирилган топшириқни аъло баҳоларга ўқийдиган 4-синф ўқувчиларига юқоридаги шаклда тавсия қилса бўлади. Аммо бундай топшириқни синфнинг барча ўқувчилари бажара олмайди. Ана шуни ҳисобга олиб, топшириқни қуйидагича нутқий кўрсатмалар (НК) воситасида мураккабдан осонга қараб бориш йўли билан яхши, ўрта, ўртадан паст ўзлаштирадиган ўқувчиларга мослаштирса бўлади.

1-нутқий кўрсатма: ўн иккита сўз берилган. Улар бир унли товушга, турли ундош товушларга кўра фарқ қиладиган иккита гуруҳга ажратиб ёзиш мумкин. Ўйлангчи, топшириқни қандай бажарса бўлади.

2-нутқий кўрсатма: ўн иккита сўз берилган. Уларни бир унли товушга кўра, бир ундош ва бир унлига кўра фарқ қиладиган олтиладан сўзни гуруҳларга ажратиб ёзинг.

3-нутқий кўрсатма: Ўн иккита сўз берилган. Уларни намунадагидек икки гуруҳга ажратиб ёзинг.

1-қатор: бор, . . . , . . . , . . . , . . . , . . . , . . .

2-қатор: гўр, . . . , . . . , . . . , . . . , . . . , . . .

Бошланғич синф она тили таълимида сўз маънолари устида ишлаш алоҳида аҳамиятга эга. Сўз маънолари устида ишлаш она тили ўқув предметининг барча таркибий қисмлари билан алоқадорликда ташкил этилади. Бинобарин, сўз маъноларини изоҳлашда унинг товуш томонига, товушларни тўғри талаффуз қилиш ҳамда тўғри ёзиш, ўқувчилар нутқини ўстириш ишлари комплекс амалга оширилади[10].

Шу билан бирга, ривожлантирувчи таълим назарияси ва технологиясини ишлаб чиқиш, айниқса, олий ўқув юртларида ҳали тўлиқ эмас. Бундан ташқари, ривожланиш таълимининг турли хил тушунчалари мавжуд бўлиб, у ҳатто мутахассислар томонидан ҳам бир маънода талқин қилинишидан йироқ.

Ривожланаётган таълимнинг биринчи таърифларидан бири В.В. Давидовнинг ўз асарларида таъкидлашича, ривожланиш — бу шахс томонидан тарихан шаклланган фаолият турларини ва уларга мос келадиган қобилиятларни қайта ишлаб чиқариш, уларни ўзлаштириш ва шунинг учун ўзлаштириш жараёнида (кенг маънода уни таълим ва тарбия жараёни сифатида ифодалаш мумкин) — ақлий инсон ривожланишининг универсал шакли[1].

### **Хулоса ва таклифлар**

Бошланғич синфларда она тили таълимида эвристик таълим воситалардан бири—билув топшириқлари. Улар болаларнинг тафаккурига мўлжаллаб ўтказилиши, ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга йўналганлиги, ўқувчиларни мустақил хулосалар чиқаришга одатлантириш жищатлари билан бошланғич синф она тили таълимини эвристик таълим воситаси саналади. Шу билан бирга, билув топшириқлари она тилидан ўтказиладиган машқ ҳамда она тили таълимида ташкил этиладиган ўқув муаммолари ўртасидаги оралик ҳалқа саналади. Бинобарин, билув топшириқларини таълимга узлуксиз татбиқ қилиш йўли билан ўқувчилар ўқув материалларини ижодий ўзлаштиришни эгаллаб олади.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Hamroev, A. R. (2019). Modeling activities of teachers when designing creative activities of students. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 2019.
2. Kamroev, A. (2019). STUDENTS' CREATIVE ACTIVITIES IN DESIGNING MOTHER TONGUE EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 285-296.

3. Каримова В.М. Суннатов Р. ва бошқалар. Муस्ताқил фикрлаш. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма.- Т.: Шарқ, 2000.- 112 б.
4. Каримова В, Нишнонова З. Муस्ताқил ижодий фикрлаш ва шахсинг ҳиссий, иродавий ва интеллектуал ҳислатлари орасидаги боғланиш // Ж. Халқ таълими, 2001. № 3-б.- Б.-64-69.
5. Болтаева Ш.Т., Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш, Монография, Тошкент 2013 й.32-33 б.
6. Хуторский А.В. Развитие одарённости школьников: методика продуктивного обучения . – М.: Владис, 2000. – 320 с.
7. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишинг назарий асослари. Пед. фанл. докт. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 2003. -280 б.
8. Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. –М.: Просвещение, 1977. -240 с.
9. Хамраев, А. (2018). Моделирование деятельности учителя при проектировании творческой деятельности учащихся. Педагогічні інновації: ідеї, реалії, перспективи, (2), 23-26.
10. Hamroyev, R. A., Qoldoshev, A. R., & Hasanova, A. M. (2021). Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effectively. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(1), 168-174.
11. Hamroyev, A. R. (2021). Designing students' creative activity in primary school mother tongue education as a methodological problem. Middle European Scientific Bulletin, 11.
12. Khamroev, A. (2021). Quality and effectiveness for design of learning outcomes in the language teaching. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 549-558.